



ТДИУ “Давлат молияси ва солиқлар” кафедраси “Молия бозори ва қимматли қағозлар” фани

**Мавзу: Қимматли қағозлар бозорини
давлат томонидан тартибга солиниши**



К ўқ. Қ.Э. Умаров



Қимматли қоғозлар бозорини
давлат томонидан тартибга
солиниши

Ҳужжат?

Мулк ҳуқуқи?

Ҷамиятни
бошқаришда
иштирок этиш
ҳуқуқи?

Қарз
муносабати?

Молиявий
инструмент ёки
нима?

**Қимматли
қоғозлар нима**



Қимматли қоғозлар



Қимматли қоғозлар

мулкӣ ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 96-модда)

ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз (Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-модда)

мулкӣ ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжат қимматли қоғоз ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. (Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси 142-модда)


Қимматли қоғозлар турлари

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси

- акция
- облигация
- вексел
- чек
- депозит ва жамғарма сертификатлари
- коносамент
- қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

- акция
- облигация
- вексел
- -
- депозит сертификати
- -
- ғазначилик мажбуриятлари
- қимматли қоғозларнинг ҳосилалари



Қимматли
қоғозлар
нима



Қимматли қоғозлар бозори

қимматли қоғозлар бозори —
юридик ва жисмоний шахсларнинг
қимматли қоғозларни чиқариш,
жойлаштириш ва уларнинг
муомаласи билан боғлиқ
муносабатлари тизими

чиқарилиш

муомала

жойлаштириш

юридик шахснинг
фуқаролик ҳуқуқларининг
объекти сифатида
қимматли қоғозлар пайдо
бўлишига қаратилган
ҳаракатлари

қимматли қоғозларни битимлар тузиш
орқали уларнинг дастлабки эгаларига
бериш

қимматли қоғозларни сотиб
олиш ва сотиш, шунингдек
қонун ҳужжатларида
назарда тутилган,
қимматли қоғозларнинг
эгаси алмашувига олиб
келадиган бошқа
ҳаракатлар

**қимматли қоғозлар бозори объекти —
қимматли қоғозлар**

**қимматли қоғозлар бозори субъекти —
қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари**

- қимматли қоғозлар эмитентлари
- қимматли қоғозларнинг эгалари
- инвесторлар
- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биржалар.

АСОСИЙ ТЕРМИНЛАР

□ **Эмитент** — эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс (акциядорлик жамиятлари ва тижорат банклари).

□ **қимматли қоғозлар эгаси** — қимматли қоғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

□ **инвестор** — қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан оловчи юридик ёки жисмоний шахс.

□ **қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси** — қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.



Инвестициялаш объекти сифатида қимматли қоғозларни танлаш ва бу танловнинг тегишли оқибатлари инвесторнинг таваккалчилигидир.





Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази

❑ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 мартдаги ПФ-1414 сонли Фармонига мувофиқ Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссияси негизида ташкил этилган ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланган.

❑ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335 сонли қарорига биноан Давлат мулки қўмитасининг таркибий тузилмасига киради.

❑ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги 322-сонли қарорига асосан Марказ номи **Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказига** ўзгартирилди ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг таркибий тузилмасига кириши белгиланган.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази

- ❑ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 сентябрдаги ПФ-3358 сонли қарорига биноан давлат бошқаруви органи ҳисобланади.
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги 16-сонли қарорига асосан Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилотида (IOSCO) Ўзбекистон Республикасидан ваколатли вакил этиб белгиланган.
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон “Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисида”ги қарорида Марказнинг функцияси ва асосий вазифалари, ҳуқуқлари ҳамда бошқарув структураси белгиланган.
- ❑ “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш, тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича вазифаларни амалга оширади.



Хориж тажрибаси



Америка қўшма штатлари

Қимматли қоғозлар бўйича комиссия
(Давлат конгресси ҳузурида)



Хитой

Қимматли қоғозлар бозорини
тартибга солиш бўйича комиссия
(Давлат кенгаши ҳузурида)



Буюк Британия

Молиявий хизматлар бўйича бошқарма
(Парламент ҳузурида)



Германия

Молиявий назорат бўйича
федерал бошқарма (FSA)
(Молия вазирлиги ҳузурида)



Япония

Молиявий хизматлар бўйича
агентлик
(Молия вазирлиги ҳузурида)



Россия Федерацияси

Молиявий бозорлар бўйича Федерал
хизмат (Хукумат ҳузурида)



Австралия

Қимматли қоғозлар ва
инвестициялар бўйича комиссия
(Парламент ҳузурида)



Малайзия

Молиявий хизматлар бўйича
Комиссия (Молия вазирлиги
ҳузурида)


Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи :

- қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;
- қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни лицензиялайди;
- инвесторларнинг ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;
- қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва тартибга солиш ҳамда унинг иштирокчилари фаолияти соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқади;
- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга доир талабларни, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мутахассисларига қўйиладиган малака талабларини белгилайди, уларни аттестациядан ўтказди ва малака гувоҳномалари беради;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно) муомалага чиқариш, қимматли қоғозларга доир битимларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини, қимматли қоғозларга доир операцияларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш стандартларини, қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини ва қимматли қоғозларга доир битимларни ҳисобга олиш регистрини юритиш тартибини тасдиқлайди ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни амалга оширади.


Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни лицензиялаш

- ❑ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият лицензияланадиган фаолият тури ҳисобланади.
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186 сонли қарорига асосан профессионал фаолиятни амалга ошириш учун лицензия чекланмаган муддатга берилади.
- ❑ Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сонли қарорига асосан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият турлари



Инвестиция воситачиси (брокер,
дилер)



Инвестиция маслахатчиси



Инвестиция фонди



Инвестиция активларини ишончли
бошқарувчи

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият турлари



Депозитарий



Ҳисоб-китоб клиринг палатаси



Трансфер-агент




Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси


Фонд бозорининг умумий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	2010 й.	2011 й.	9 ой 2011й.	9 ой 2012 й.
Акциядорлик жамиятлари сони	1 402	↓ 1 309	1336	↓ 1281
Устав фондининг ўртача миқдори	4,9 млрд.сум	↑ 5,8 млрд.сум	5,6 млрд.сум	↑ 7,0 млрд.сўм
Қимматли қоғозлар эгалари сони	1,44 млн.шахс	1,45 млн. шахс	1,45 млн. шахс	1,45 млн. шахс
Қимматли қоғозлар ҳажми	6,8 трлн.сум	↑ 7,6 трлн.сум	7,4 трлн.сум	↑ 8,9 трлн.сум
Профессional иштирокчилар сони	118	↑ 130	127	↑ 134
«Тошкент» РФБ айланмаси	64,4 млрд.сум	↑ 213,1 млрд.сум	132,2 млрд. сум	↓ 108,4 млрд.сум
Қимматли қоғозлар бозори айланмаси	1,68 трл.сум	↑ 1,60 трл.сум	1,2 трл. сум	↑ 1,2 трл. сум


Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари



РФБ «Тошкент» айланмасы динамикаси (млрд.сум)



Нобанк қимматли қоғозлар айланмасининг (акциялар, корпоратив облигациялар) ЯИМга нисбати




Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли Фармонида мувофиқ, эмитентлар томонидан ошкор этиладиган маълумотлар Марказнинг интернетдаги расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали эълон қилиниши белгиланди.

Қимматли қоғозлар билан савдоларни амалга оширишни ҳамда инвестиция фондлари ва депозитарий фаолиятига қўйилган талабларни янада соддалаштириш масаласида “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори лойиҳасида мулкчилик шаклидан қатъий назар янги инструмент ҳисобланган инвестиция облигацияларни чиқариш, 2017 йилга қадар юридик шахсларнинг инвестиция облигациялари бўйича олган даромадидан озод қилиш, битим тузилганлиги учун йиғимни жорий этиш ва бошқа фонд бозорини ривожлантиришга қаратилган бошқа нормалар ўз аксини топган.



“Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестациядан) ўтказиш тўғрисида”ги Низомга асосан, молия-иқтисод ёки юридик соҳа бўйича олий маълумотли имтиёзли дипломга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси олий таълим битирувчиси, агар диплом берилган санадан уч йилдан кўп бўлмаган муддат ўтмаганлик шарти билан белгиланган йиғим олинмасдан ва аттестация ўтказилмасдан II тоифали малака гувоҳномасини олиш ҳуқуқига эга. Марказ томонидан “Энг яхши мақола” танлови ўтказилди.

